

Аграр хаёт күзгүсү!

# Agro biznes inform

№ 12 (131)-2017.12

ijtimoiy-iqtisodiy ixtisoslashqan oylik jurnal

Социально-экономический специализированный ежемесячный журнал




Малакали кадрлар соха келажагидир

Яңги йилингиз  
құттуғ бўлсин  
азизлар!



Хоумстей —  
тревел-бизнес дома



Дунё халқлари орасида  
Яңги йил байрами қандай нишонланади?

# Ўзбекистонда давлат ер кадастрининг автоматлаштирилган тизимини яратиш масалалари

## Abstract

*In the article the automated information system of the cadastre the land management in the country paid for the creation of perspective directions and illuminated the importance of the use of this system from practical.*

Миллий бойлигимиз хисобланган ердан фойдаланиши самарадорлигини ошириш давлатимиз тараққиётининг муҳим омилларидан биридир. Тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириши мавжуд фермер хўжаликларини кўп тармокли, иктисодий жиҳатдан мустахкам хўжаликларга айлантирища, ердан унумли фойдаланиши, уни оқилона ташкил этиш ер маҳсулдорлигини оширища ер кадастрининг автоматлашган тизими асосий омиллардан бири. Бу жаёнда Давлат ер кадастригина айнан шундай маълумотларни ўзида жамлайди ва белтиланган тартибда фойдаланувчиларга етказиб беради.

Хусусан, ер участкаларига ва биноиншоотларга бўлган хуқукларни давлат рўйхатига олиш бўйича маҳсус компьютер дастури яратилган, рўйхатга олиш ушбу дастур асосида ягона тизимга киритилмоқда, маъмурӣ туманлар бўйича ҳар йили тузиладиган ер балансларини мамлакат бўйича ягона тизимда кўллаш ва қайта ишлаш дастури яратилган. Унинг иши кисман йўлга қўйилган, қишлоқ хўжалик ерларининг кадастри киймат баҳосини анилаш ва хисоблаш бўйича маҳсус дастур мавжуд. Буларнинг барчаси локал тарзда ишлайдиган дастурлар бўлиб, улар ягона ахборотлар тизимга бирлашмаган. Бунда ер кадастри ахборотларини ягона бир тизимга бирлаштирувчи дастурни яратиш зарур. Шундай ҳолдагина автоматлаштирилган ягона тизими яратиш мумкин бўлади.

Давлат ер кадастрининг автоматлаштирилган ягона ахборотлар тизими координаталарнинг ягона умумдавлат тизими асосида яратилади ва у тури – туман кадастрлар, хусусан ўрмон, сув ва бошқа табиий ресурслар кадастрларини ҳамда бошқа кадастр тизимларини шакллантириш учун асос бўлиб хизмат киласи [2]. Демак, бундай тизими яратилиши мамлакатда юритилаётган давлат кадастрлари ягона тизими учун ҳам жуда муҳим дид.

Мавзули ракамли карталар тўпламидан ташкил топган маълумотларнинг картографик блоки тизимдаги ахборотларни саклашнинг базавий воситаси бўлиб хизмат килиши зарур.

Республика бўйича яратиладиган автоматлаштирилган тизимга киритиладиган ахборотлар куйидаги мақсадларда

муваффақиятли фойдаланилиши мумкин:

- ер ресурсларини давлат бошкарувини олиб бориши;
- ерлардан фойдаланиши ва уларни муҳофаза қилишида давлат назоратини ўрнатиш;
- қишлоқ хўжалиги ерларидаги тупроқлар унумдорлигини саклаш ва оширишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш;
- ер тузиши (хўжаликлараро ва ички хўжалик ер тузишлар);
- ерларни даврий равишида кадастрили қийматини баҳолаш;
- ер учун, ундан фойдалангандар учун асосланган тўпловлар миқдорини белгилаш;
- ер участкаларига эгалик килиш, фойдаланиши ва тасаруф этиши билан боғлиқ бошқа фаолиятларни тъминлаш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, тизимни ташкил этадиган барча ахборотлар давлатнинг асосий миллий бойлиги хисобланган ер майдонларидан фойдаланишини умумдавлат даражасида амалга оширища барча органлар учун катта амалий аҳамият касб этади.

Автоматлашган ягона тизимда сакланадиган ахборотлар, юқоридагилар билан бир каторда, кўчмас мулкларни давлат рўйхатига олишни, Ўзбекистон Республикасининг конунчилигига биноан рўйхатга олинадиган ва хисоб килинадиган табиий ресурслар ва бошқа обьектларни маҳсус тарзда рўйхатга олиш ёки хисобини юритиши чоғида зарур бўладиган маълумотлар билан ахборотли алмашинувнинг асосий манбаси ҳам хисобланади.

ДЕКААТнинг маълумотларидан фойдаланувчилар таркибига куйидагиларни киритиши мумкин:

Ер участкаларининг эгалари;

Ўзбекистон Республикаси давлат хокимияти органлари, вилоят, туман ва маҳаллий бошқарув органлари;

туман солик инспекциялари;

аник бир ер участкаси бўйича иш кўриши чоғида хуқукни муҳофаза килувчи органлар ва судлар;

- кўчмас мулкларга бўлган хуқуларни ҳамда улар билан бўладиган харалатларни давлат рўйхатига олишни амалга оширувчи органлар, кўчмас мулклар ва зарурий ҳажмлардаги худудий минтақаларни маҳсус тарзда рўйхатга олувичи

ва хисобини юритиши билан шуғулланувчи органлар (ташқилотлар);

- васиятнома ёки конун бўйича ер участкасида меросий эгалик хукуқини олган шахслар.

Давлат ер кадастрини шакллантириш ва уни юритиши жараёнларининг бутун бир тўплами автоматлаштириш обьекти бўлиб хизмат қиласи. Демак, автоматлаштириш нуктаси назаридан ДЕК — бу кўлмақсадли, кўпкіррали маълумотлар банки хисобланади. У куйидаги мослаштиришнинг куйидаги талабларига риоя қилиш зарур:

- намунавий лойихавий ечимлардан, маълумотларни қайта ишлаш алгоритмларида намунавий математик методлар ва моделлардан фойдаланиш;

- кадастр хўжатларининг бир-бирларига мослаштирилган шаклларидан фойдаланиш;

- техник-иктисодий ва бошқа ахборотларнинг умумдавлат ва тармок класификаторларидан фойдаланиш;

- ахборотлар алмашинув шаклларини бир-бирларига мослашинувини, умуман тизим учун кўлланиладиган хўжатлар шаклларини бир-бирларига мослашинувини тъминлаш;

- маълумотларни қайта ишлашни имкони борича кўпроқ интеграциясини тъминлаш, яъни маълумотни тизимга бир марта киритиши билан ундан ундан кўп марта фойдаланишга эриши.

Юкорида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида хулоса килиш мумкинки, мамлакатда юритиладиган давлат ер кадастрини автоматлаштирилган ахборотлар тизимини яратиш турли тармокларда ерлардан фойдаланишини оқилона ташкил этиши, ер бозорини шакллантириш ва ривожлантирища, давлат маҳаллий бошқарув органлари томонидан ерлардан ва бошқа кўчмас мулклардан фойдаланишини самарали бошқаришда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлади.

А. БАБАЖАНОВ,  
Б. УСПАНКУЛОВ,  
Н. ИНОМОВА.

*Фойдаланган адабиётлар:*  
А.Бабажанов, К.Рахмонов, А.Гофиров  
Ер кадастри Дарслик, Т.ТИМИ, 2008.  
А.Варламов, С.Гальченко Государственный земельный кадастр. Том-1, М., Колес, 2008.